

**МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚОВ СУҲУНЖОН ҲАМРОҚУЛ ЎҒЛИ

**БЎЎҒУСИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
ЖАРАЁНИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР МОДУЛИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Холиқов Суюнжон Ҳамроқул ўғли

Бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида
дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш методикасини
такомиллаштириш..... 3

Холиқов Суюнжон Ҳамроқул угли

Усовершенствование методики обучения модуля дифференциальных
уравнений в процессе подготовки будущих учителей математик..... 21

Xoliqov Suyunjon

Improving the methodology of teaching the module of differential equations
in the process of training future mathematics teachers..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚОВ СУЮНЖОН ҲАМРОҚУЛ ЎҒЛИ

**БЎЛҒУСИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
ЖАРАЁНИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР МОДУЛИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped2126 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (<http://kengash.mathinst.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дурдиев Дурдимурод Қаландарович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Эркинжон Тўлқинович
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Баракаев Мурод
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил « 22 » ноябр соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.:(+99871)- 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (147-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.:(+99871) 207-91-40).

Диссертация автореферати 2022 йил « 9 » ноябр куни тарқатилди
(2022 йил « 9 » ноябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков

Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К. Адашев

Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш илмий
котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Ғ.И. Ботиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган фанларни, хусусан дифференциал тенгламаларни ўқитишнинг назарий-методологик, услубий асосларини такомиллаштиришда замонавий таълим технологиялари ва компьютернинг математик амалий пакетларидан фойдаланишнинг янгича ёндашувларини жорий этишга қаратилган илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бўлғуси математика ўқитувчиларига дифференциал тенгламаларни ўқитишнинг замонавий тамойилларга асосланган, назарий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда муаммоли таълим технологияларни лойиҳалаш асосида машғулотларни ташкил этишга доир илмий-назарий ишланмалар самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида математика фанларини, хусусан дифференциал тенгламаларни ўқитиш самарадорлигини ошириш учун замонавий таълим технологиялари ва ахборот технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш асосида уларни мустақил изланиш орқали муаммоли масалаларни ечиш компетентлигини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Дифференциал тенгламалар модули бўйича талабалар компетенцияларини ривожлантиришда муаммоли таълим технологияларини қўллаш орқали машғулотларни ташкил этиш муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда олий таълимни модернизациялаш, профессионал кадрларни тайёрлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали талабалар ўқув фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясида «Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиш ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиш учун зарур шарт-шароит яратиш»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада талабаларнинг касбий компетенцияларини ахборот технологияси воситалари ва ўқитишнинг муаммоли таълим технологияларини қўллаш орқали ривожлантириш устувор вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган таълим фаолиятини ташкил этишда интегратив ёндашувли интерфаол методлар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5847/3887-сон, 09.10.2019 й.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ва математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизimini шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Математика таълимини ривожлантиришнинг асосий омили бу фанни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда ўз аксини топади. Олий таълим муассасаларида математиканинг фундаментал фанларини дастурий дидактик мажмуалар, шахсга йўналтирилган таълим, контекстли масалалар, муаммоли масалалар, катта, ўрта ва кичик модулли технологиялар асосида лойиҳалаш ва компьютернинг математик дастурлари ёрдамида ўқитиш методикалари бўйича юртимиз ҳамда хорижда Д. Юнусова, М. Тожиев, Ж.Б. Эргашев, Д.Н. Ашурова, А.Ж. Хуррамов, Г.Н. Ғойибназаров, И.В. Кузнецова, Ж.И. Зайцева, И.С. Новикова, Elizabet Ekerman-Xiks ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотимиз бўлажак математика ўқитувчиларини тайёрлашда дифференциал тенгламаларни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Шу жумладан, дифференциал тенгламаларни шахсга йўналтирилган таълим, муаммоли масалаларни аналитик, сонли ва графикли ечишда Maxima, Mathcad, Powersim ва Maple пакетларидан фойдаланиш, жараёнга мос дифференциал тенглама тузиш методикалари бўйича юртимиз, ҳамда, хорижда Э.О. Шарипов, А.С. Безручко, Р.М. Асланов, Н.В. Сычева, М. Madalena, А. Saglam, D. Nyland ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Дифференциал тенгламаларни ўқитиш бўйича олиб борилган бу тадқиқотларда маъруза ва амалий машғулотларининг самарадорлигини муаммоли таълим технологиясини қўллаш орқали ошириш методикаси тадқиқ қилинмаган. Case-Study технологиясидан фойдаланиб талабаларнинг дифференциал тенгламаларга оид билим, кўникмаларини ошириш ва малакаларини шакллантириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтининг таълимга янги педагогик

технологияларни жорий қилишнинг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Case-Study технологияси тамойиллари асосида бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида дифференциал тенгламаларни ўқитиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дифференциал тенгламаларни ўқитишда талабаларнинг коммуникатив қобилиятини ривожлантириш ҳамда турли вазиятларда муаммоларни ечиш кўникмасини шакллантириш;

дифференциал тенгламалардан маъруза машғулотларини ахборот технологиялари воситалари ва муаммоли ўқитиш технологияси (Case-Study) асосида такомиллаштириш;

дифференциал тенгламалардан амалий машғулотларни Case-Study технологияси асосида такомиллаштириш;

илмий тадқиқот иши юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлғуси математика ўқитувчиларига Case-Study технологияси асосида дифференциал тенгламаларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, Навоий давлат педагогика институти, Чирчиқ давлат педагогика институти ва Бухоро давлат университети танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни Case-Study технологияси ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш мазмуни, шакли, метод ва воситалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий-методик манбаларни таҳлил этиш, педагогик тажриба, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш, тест, математик-статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дифференциал тенгламалар модулини ўқитишда талабаларнинг коммуникатив қобилиятини ривожлантириш ҳамда турли вазиятларда муаммоларни ечиш кўникмасини шакллантириш алгоритми ахборот технологиялари воситалари ва ўқитиш технологиялари асосида такомиллаштирилган;

олий таълим ташкилотларида дифференциал тенгламалар модулидан маъруза машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ахборот технологиялари воситалари ва Case-Study технологияси ўқув босқичлари, ҳамда креатив компетентлигига кўра интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим ташкилотларида ўқитиладиган дифференциал тенгламалар модули Case-Study технологияси ёрдамида амалий машғулотлар самарадорлиги оширилган;

дифференциал тенгламаларга оид мисол ва масалаларни ечишга мўлжалланган математик амалий пакетлар ва Case-Study технологияси асосида талабаларнинг компетенциясини шакллантириш бўйича илмий - методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламалар модулини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш методикаси ривожлантирилган;

дифференциал тенгламалар модулидан маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этишда Case-Study технологиясидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган;

дифференциал тенгламаларга оид мисол ва масалалар ечишда Maple математик амалий пакетида фойдаланишга оид методик кўрсатмалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Қўлланилган ёндашув ва усуллар, фойдаланилган назарий маълумотларнинг илмий ва услубий манбалардан олингани, тадқиқот давомида олинган сонли маълумотлар Хи квадрат критерияси ёрдамида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар Ўзбекистон Миллий математика платформаси mathnet.uz га жойлаштирилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот мавзуси бўйича, республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламларида Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган журналларда мақолалар чоп қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган методлар, ўқитиш самарадорлигини ошириш модели ва олий таълим муассасаларининг математика таълимига ахборот технологиялари воситаларини ва Case-Study технологиясини жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларнинг дифференциал тенгламаларга оид креатив фикрлашини ва компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, диссертация хулоса ва натижаларидан олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитишда қўлланилаётганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

дифференциал тенгламалар модулини ўқитишда талабаларнинг турли вазиятларда муаммоларни ечиш кўникмасини шакллантириш алгоритмидан ОТ-Ф4-02 ракамли «Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳада Бернулли, Риккати, Лагранж, Клеро тенгламаларини ечишда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 15 октябрдаги 01-2579-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши дифференциал тенгламалар модулини ўқитишдаги методик муаммоларни бартараф қилиш имконини берган;

Case-Study технологияси асосида тайёрланган дифференциал тенгламалар модулидан Чирчиқ давлат педагогика институти ва Навоий

давлат педагогика институтларида дарс ишланмалари сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали 2022 йил 27 апрелдаги 101-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши дифференциал тенгламалар модулидаги маъруза ва амалий машгулотларида таълим сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика илмий-амалий анжуманида ва 2 та халқаро форумда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитишнинг ҳозирги ҳолати, дифференциал тенгламаларни ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан ва Case-Study технологиясидан фойдаланиш, уларнинг имкониятларига оид таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида дифференциал тенгламаларни ўқитиш методикаси бўйича юртимиз ва хорижий давлатларда олиб борилган изланишларнинг таҳлили келтирилган. Бу тадқиқотларда асосан турли жараёнларни дифференциал тенгламага келтириш ва мураккаб дифференциал тенгламаларни дастурлар ёрдамида ечиш методикалари ишлаб чиқилган. Жараёнга мос дифференциал тенглама тузилганда уни аналитик усуллардан фойдаланиб ечишга доим эҳтиёж сезилади. Дифференциал тенгламаларни дастурлар ёрдамида ечиш аниқлик, тезкорлик жихатлари билан ажралиб турсада, бундай ўқитиш талабаларнинг дифференциал тенгламаларни ечишда дастурларга таяниб қолишига, математик фикрлашининг йўқолишига олиб

келиши мумкин. Шу боис тадқиқотимизни дифференциал тенгламаларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга қаратдик.

Тадқиқотимиз мавзуси айти ушбу муаммога қаратилганлиги учун, олий таълим муассасалари талабаларининг дифференциал тенгламаларни ечишга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларини аниқлаш мақсадида дастлаб кузатиш ишларини олиб бордик. Кузатишлар асосида дифференциал тенгламалар модулига оид амалий машғулот дарсларида талабалар мавзу юзасидан мисол ва масалаларни ечишда қуйидаги муаммоларга дуч келаётганлиги маълум бўлди: алмаштиришларни қўллаш, интегралловчи кўпайтувчини топиш, ҳосилга нисбатан ечилмаган биринчи тартибли дифференциал тенгламаларни ечиш усулларини эслаб қолиш, дифференциал тенгламаларнинг турини таниб олиш, интегралларни ҳисоблаш, дифференциал тенгламанинг хусусий ечимини топиш, юқори тартибли дифференциал тенгламаларнинг тартибини пасайтириш.

Бундай методик муаммоларни ечишда ахборот технологиялар, хусусан математик амалий пакетлардан ва Case-Study технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик. Ушбу технологиялар муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш орқали талабаларни мустақил фикрлашга йўналтиради.

Таҳлилий маълумотлар илгари сурилаётган тадқиқотнинг илмий муаммосини белгилайди, бундан эса дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича яхлит педагогик тадқиқотлар ўтказиш зарурати келиб чиқади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида дифференциал тенгламалар модулини ўқитишда математик амалий пакетларнинг имкониятлари ўрганилди.

Тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишларини таҳлили ва математик амалий пакетларнинг имкониятларини ўрганиш, ҳамда, тажриба-синов ўтказилаётган олий таълим муассасаларининг математика ва информатика фани профессор-ўқитувчилари билан сўровномалар ўтказиш натижасига кўра, математик амалий пакетларнинг имкониятларини баҳолаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилди ва баҳоланди. Баҳолаш натижасига кўра, Maple амалий пакетининг имконияти юқори эканлиги маълум бўлди. Maple амалий пакети дифференциал тенгламаларни аналитик, сонли ва графикли ечиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш имкониятини яратади. Натижаларнинг икки ва уч ўлчовли графикларини куриш орқали, уларнинг турли нуқталардаги ечимларини графикда акс эттириш имкониятини таъминлайди. Шу боис олий таълим муассасаларида математикага оид фанларни, хусусан дифференциал тенгламаларни ечиш, уларнинг ечимларини таҳлил этишда Maple амалий пакетидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида дифференциал тенгламаларни ўқитишда Case-Study технологиясидан фойдаланишнинг назарий асослари келтирилган.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида мутахассисларни касбий амалиётга тайёрлаш сифати ва даражасини оширишда ахборот технологияларининг имкониятлари билан бирга, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш, муаммоли вазиятларни яратиш билан уларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда, профессор-ўқитувчи математика фанларини ўқитишда ўзлари фаол бўлишади. Бунинг натижасида талабалар фақат пассив тингловчи сифатида иштирок этади. Талабани дарсда фаоллаштириш усуллари билан бири Case-Study технологиясидан фойдаланишдир. Ушбу технология талабаларни мустақил изланишга, мустақил қарор қабул қилишга йўналтиради. Бунинг натижасида талабаларнинг фикрлаш қобилияти ривожланади, мустақил фикрлаши ва ижодий фаоллиги ошади.

Дифференциал тенгламалар модулини ўқитишда Case-Study технологиясидан самарали фойдаланиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим деган хулосага келдик: илмийлик, дидактик ўқув маълумотларнинг самарадорлиги, ижодкорлик, талабалар билан ҳамкорлик, қизиқтириш, таълим муаммоларини таъминлаш, прагматизм ва яхлитлик.

Ушбу тамойиллар Case-Study технологияси асосида машғулотларни олиб боришни бир бутун яхлитлигини таъминлайди. Бунинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: ўрганиш учун ўзаро алоқали ёндашувлардан фойдаланиш, машғулотни ташкил этиш учун яхлит ўқитиш тизимини яратиш, ўқув-тарбия фаолиятининг ўзаро бирлигини таъминлаш.

Юқорида келтирилган тамойиллар асосида дифференциал тенгламалар модулидаги амалий машғулотларни, Case-Study технологиясидан фойдаланиб олиб бориш натижасида талабалар томонидан эришиладиган натижалар ва профессор-ўқитувчи томонидан эришиладиган таълим натижалари 1-расмда келтирилган.

Илмий изланишларимиз натижаларига кўра, дифференциал тенгламалар модулидан амалий машғулотлар давомида мисол ва масалаларни ечиш учун талабаларда кўплаб ҳолларда баъзи қийинчиликларга дуч келишларини кузатдик. Шу боис дифференциал тенгламаларга оид мисол ва масалаларни ечишда Case-Study технологиясидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Ушбу технология ёрдамида мисол ва масалалар ечишда муаммоли вазиятлар ҳосил қилинади. Бунинг натижасида, талабаларда мустақил фикрлашга, фанга нисбатан мотивациясини ўйғотишга, ижодий қобилиятини ривожлантиришга ва тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга эришиш мумкин.



1-расм. Дифференциал тенгламалар модулига оид мавзулар Case-Study технологиясидан фойдаланиб ташкил этилганда эришиладиган таълим натижалари.

Диссертациянинг «Олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитиш методикаси» номли иккинчи бобида олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитиш самарадорлигини ошириш модели, ҳамда, маъруза ва амалий машғулотларини ташкил этишнинг босқичлари, алгоритми, тузилмалари ахборот технологиялари воситалари ва Case-Study технологияси ёрдамида такомиллаштирилди. Олий таълим муассасаларида ўқитиш технологиялари асосида математикага оид фанларни, хусусан дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш жараёнида талабаларга муаммоли вазиятлар яратиш, улар томонидан фикрлар тўқнашувини вужудга келтириш, муаммолар ечимини топишда умумий, хусусий, типик ҳолатларни аниқлаш, хулосалар чиқаришга ундаш муҳим.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида замонавий ахборот технологиялари воситаларини ва ўқитиш технологиялари, жумладан Case-Study технологиясидан фойдаланган ҳолда “Дифференциал тенгламалар” модулини ўқитиш самарадорлигини ошириш моделини ишлаб чиқдик (2-расм).



2-расм. Олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитиш самарадорлигини ошириш моделининг тузилмаси.

Ушбу модел дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун махсус ишлаб чиқилган бўлиб, маъруза, амалий машғулот ва мустақил таълимда танланган методлар ва уларни самарали қўллаш орқали ўз аксини топади. Жумладан, моделда маъруза ва амалий машғулотларда асосий метод сифатида Case-Study технологиясидан фойдаланиш назарда тутилган. Case-Study технологиясини дифференциал тенгламалар модулини ўқитишда қўллаш, мавзулар бўйича тузилган caselar ёрдамида амалга оширилади. Асосан, маъруза машғулотларида **алоқа ўрнатиш**, муаммони ечиш ва қарор қабул қилишга **ўргатувчи** caselarдан

фойдаланилди. Амалий машғулотларда эса муаммони ечиш ва қарор қабул қилишга ўргатувчи, талабалар билимини текширишга йўналтирилган **назорат** casелари ва **баҳолашга** ўргатувчи casелардан фойдаланилди.

Алоқа ўрнатиш бўйича case – янги мавзу баёнида талабаларга ўтилаётган мавзу формулаларини ва олдин ўтилган мавзу формулаларини қўллаб ечиш мумкин бўлган дифференциал тенглама қарама-қарши материал, тўлиқ бўлмаган маълумот шаклида тақдим этиладиган case. Ушбу casелардан фойдаланиш талабаларда ўтилаётган янги мавзу маълумотлари ва олдин ўтилган мавзу билан алоқа ўрнатишига хизмат қилади.

Маъруза машғулотида фойдаланилган алоқа ўрнатиш casеларидан намуналар:


1-жадвал.

<p>Ушбу $y' = y^2 - \frac{2}{x^2}$ дифференциал тенглама Бернулли тенгламаси бўлиб уни ечишда $y(x) = u \cdot v$ алмаштириш бажарилади. Маълумотни текширинг.</p>	
<p>case бўйича вазифа:</p> <p>1. Дифференциал тенгламани таянч билимларга асосланиб ечинг</p> <p>2. Дифференциал тенгламани янги билимларга асосланиб ечинг.</p>	<p>Берилган дифференциал тенглама Риккати тенламаси бўлиб берилган жумла нотўғри.</p> <p>1. $t = ux$ алмаштириш орқали ечилади.</p> <p>2. $y_1 = \frac{1}{x}$ кўринишдаги хусусий ечим орқали чизиқли тенгламага келтириб ечилади.</p>

«Биринчи тартибли чизиқли дифференциал тенгламалар. Бернулли тенгламаси» мавзусида фойдаланиладиган case.

Маъруза машғулотида муаммони ечиш ва қарор қабул қилишга ўргатувчи case: мавзунинг характеридан келиб чиққан ҳолда тузилади ва ўқитувчи томонидан ҳал қилинади. Бу орқали талабалар мавзуга оид муаммо ечими ва маълумотларини самарали тушуниш имкониятлари пайдо бўлади. Маъруза машғулотида фойдаланилган муаммони ечиш ва қарор қабул қилишга ўргатувчи casеларидан намуна:

Талабалар интегралловчи кўпайтувчини топишда бир қанча қийинчиликларга дуч келадилар. Ушбу методик муаммони ҳал қилишда ўқитувчи томонидан тақлиф қилинаётган алгоритм (3-расм). Дифференциал тенгламалар модулидаги маъруза машғулотларида Case-Study технологиясини қўллаш билан бирга, ахборот технологиялари воситаларини қўллаш ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки бу турли чизмаларни, жадвал ва формулаларни тақдим этишда самарали ҳисобланади. Маълумки, дифференциал тенглама ечимини ҳар доим аналитик кўринишда топиб бўлмайди.



3-расм. Тўла дифференциалли тенглама. Интегралловчи кўпайтувчи мавзусидаги case.

Бундай ҳолларда ечимни тақрибий ва график кўринишда излашга тўғри келади. Қидирилаётган ечим графигини ҳосил қилишда талаба олдида аниқликни қандай олиш зарур, деган савол пайдо бўлади. Бунинг учун информатика ва ахборот технологиялари курсидаги мультимедиали амалий дастурлар ва математик амалий пакетларни қўллаш мақсадга мувофиқ саналади. Дифференциал тенгламалар модулини ўқитишда компьютернинг амалий дастурлари ва математик амалий пакетлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиради ва компетентлиги шаклланиши билан изоҳланади.

Амалий дастурлар ва математик амалий пакетлар дифференциал тенгламаларни ечиш ва уларнинг ечимларини таҳлил қилишда муҳим ўрин тутуди. Бундай амалий дастурлар ва математик амалий пакетлар орқали дифференциал тенгламалар модулига оид мавзуларни талабаларга самарали етказиб бериш имконияти юзага келади.

«Олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитишнинг самарадорлик даражаси» номли учинчи бобиди, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методика самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган тажриба-синов ишларининг натижалари келтирилган. Тажриба-синов ишларига 2018-2021-йилларда Бухоро давлат университети «Математика» таълим йўналишининг 106 (1-1 МАТ19(25 та), 1-2МАТ19(28 та), 1-3МАТ19 (26 та) 1-4МАТ19(28)) нафар талабаси ва 20 нафар профессор-ўқитувчиси, Навоий давлат педагогика институтининг «Математика ўқитиш методикаси» таълим йўналишининг 120 (2А(31 та), 2Г(29 та), 2Д(30 та), 2Е(30 та)) нафар талабаси ва 30 нафар профессор-ўқитувчиси, Чирчиқ давлат педагогика институтининг «Математика ўқитиш методикаси» таълим йўналишининг 103 (19-1(23 та), 19-2(23 та), 19-3(23 та), 19-4(19та), 19-5(15 та)) нафар талабаси ва 25 нафар профессор-ўқитувчиси жалб этилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда олиб борилди: 1. Аниқловчи; 2. Шакллантирувчи; 3. Яқунловчи. Тажриба-синов ишининг аниқловчи босқичи 2018- йилда олиб борилди. Ушбу босқичда мавзуга оид тадқиқотчи ва услубчиларнинг илмий-услубий адабиётлари таҳлил этилди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида математика фанларини, жумладан дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш ҳолати ўрганилди. Мазкур изланишлар асосида дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг янгича ёндашувларни, яъни фанни ўқитишда ахборот технологиялари воситаларини ва ўқитиш технологияларини, хусусан, Case-Study технологиясини интеграциялаш асосида машғулотларни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш лозим деган, хулосага келдик. Тажриба-синов ишининг шакллантирувчи босқичи 2019-2020 йилларда ўтказилди. Шунингдек, мазкур босқичда тажриба-синов ишларини ўтказиш учун юқорида келтирилган олий таълим муассасалари талабалари тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Талабаларни тажриба ва назорат гуруҳига

ажратишда, уларнинг мавжуд билимлари оғзаки, ёзма ва тест шаклда баҳоланди.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба бошидаги умумий кўрсаткичлари

2-жадвал

Олий таълим муассасаси номи	Гуруҳлар	Талабалар сони	Баҳо			
			5	4	3	2
Бухоро давлат университети	Тажриба	50	15	20	12	3
	Нazorat	56	17	22	15	2
Навоий давлат педагогика институти	Тажриба	60	12	17	26	5
	Нazorat	60	14	16	22	8
Чирчиқ давлат педагогика институти	Тажриба	40	9	12	16	3
	Нazorat	63	11	26	22	4

Олинган натижаларнинг ишончилигини текшириш учун (Хи квадрат) критериясидан фойдаланиб, математик-статистик таҳлили ўтказилди:

$$\chi^2 = n_1 n_2 \sum_{j=1}^m \frac{1}{n_{1j} + n_{2j}} \left(\frac{n_{1j}}{n_1} - \frac{n_{2j}}{n_2} \right)^2 = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{j=1}^m \frac{(n_{1j} n_2 - n_{2j} n_1)^2}{n_{1j} + n_{2j}}$$

Талабаларни тажриба ва назорат гуруҳига ажратишда қуйидаги гипотезаларни Хи квадрат критерияси асосида озодлик даражаси $k = n - 1$ ва қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,05$ га мос келувчи критик қиймат $\chi_{кр}^2 = 7,815$ билан текширдик:

H_0 : “Тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг билим даражаси деярли бир хил”. Унга муқобил (альтернатив)

H_1 : “тажриба гуруҳидаги талабаларнинг билим даражаси назорат гуруҳидаги талабаларнинг билим даражасидан сезиларли фарқ қилади”.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг умумий кўрсаткичлари

3-жадвал

Гуруҳлар	Талабала р сони	Тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларининг олган баҳолари			
		5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	2 (қониқарсиз)
Тажриба гуруҳи	150	36	49	54	11
Нazorat гуруҳи	179	42	64	59	14

$$\chi^2 = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{j=1}^4 \frac{(n_{1j} n_2 - n_{2j} n_1)^2}{n_{1j} + n_{2j}}$$

$$= \frac{1}{150 \cdot 179} \left(\frac{(36 \cdot 179 - 42 \cdot 150)^2}{78} + \frac{(49 \cdot 179 - 64 \cdot 150)^2}{113} + \frac{(54 \cdot 179 - 59 \cdot 150)^2}{113} + \frac{(11 \cdot 179 - 14 \cdot 150)^2}{25} \right) = 0,48$$

$\chi_{\text{куз}}^2 = 0,48 < \chi_{\text{кр}}^2 = 7,815$ эканлигидан H_0 гипотезани рад этишга асос йўқ. Бунда ажратилган тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг билим даражаси деярли бир хил эканлиги маълум бўлди.

Тажриба-синов ишининг **якунловчи** босқичи 2020-2021 йилларда олиб борилди.

“Дифференциал тенгламалар” модулини ўқитиш методикасини синовдан ўтказиш ҳамда сифат даражасини аниқлаш мақсадида Бухоро давлат университети, Навоий ва Чирчиқ давлат педагогика институтларининг 2-босқич «Математика ўқитиш методикаси» ва «Математика» таълим йўналишида таҳсил олаётган 329 нафар талабалари жалб этилди. Мазкур босқичда назорат гуруҳида анъанавий тартибда ўтилган машғулотлар, ҳамда, тажриба гуруҳида ўқув жараёнига татбиқ этилган, яъни ўқитиш самарадорлигини ошириш модели ва ахборот технологиялари воситалари ва Case-Study технологияси асосида такомиллаштирилган дарс ишланмалари асосида ташкил этилган машғулотларнинг самарадорлик даражаси аниқланди. Самарадорлик даражаси, яъни тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг дифференциал тенгламаларга оид билим кўникма даражаси бир хил тестдан фойдаланиб баҳоланди. Уларнинг олган билим, кўникма, малака ва компетенциялари таҳлил этилиб, умумлаштирилди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги математик-статистик таҳлил этилди.

4-жадвал

Талабаларнинг тажриба боши ва охиридаги кўрсаткичлари

Ўзлаштириш даражаси	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Аъло	36	49	42	41
Яхши	49	72	64	58
Қониқарли	54	20	59	67
Қониқарсиз	11	9	14	13

4-жадвалдан фойдаланган ҳолда талабаларнинг тажриба боши ва охиридаги ўзлаштириш динамикасини ҳосил қиламиз (4-расмга қаранг).



4-расм. Талабаларнинг Дифференциал тенгламлар” модулини ўзлаштириш динамикаси.

Олинган натижаларининг ишончлилиги Хи квадрат критерияси ёрдамида ўтказилган математик-статистик таҳлилга кўра, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 9 % га ошганлиги маълум бўлди.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар доирасида бўлғуси математика ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган фундаментал фанларни, хусусан дифференциал тенгламаларни ўқитиш сифатини ошириш, таълимга замонавий педагогик технологиялар ва ахборот технологияларни кенг татбиқ қилиш асосида дифференциал тенгламалар модулидан машғулотларни такомиллаштириш мақсадида, олиб борилган илмий изланишлар, ҳамда ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Дифференциал тенгламалар модулини ўқитиш самарадорлигини оширишда тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган алгоритм ва ўқитиш самарадорлигини ошириш моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда талабалар учун ақлий муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш орқали, уларнинг мантиқий ва креатив фикрлашини оширади.

2. Дифференциал тенгламалар модулидан маъруза машғулотларини ахборот технологиялари воситалари ва Case-Study технологиясини уйғунлаштириш асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ва яхши самара беради. Бунда талабаларнинг фаоллиги ва фанга бўлган қизиқиши ошади.

3. Олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларга оид машғулотларни ташкил этишда, ҳамда, талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятида мисол ва масалаларнинг ечимларини таҳлил этишда Maple математик амалий пакетларидан фойдаланишни тавсия этамиз. Ушбу дастур қулай интерфейс, операторларининг соддалиги билан ажралиб туради.

4. Дифференциал тенгламалар модулидан амалий машғулотларни Case-Study технологияси ёрдамида ташкил этишда талабалар билан ҳамкорлик, қизиқтириш, таълим муаммоларини таъминлаш, прагматизм, яхлитлик тамойилларига таяниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу тамойиллар Case-Study технологиясидан фойдаланиб талабаларни дифференциал тенгламаларга оид мисол ва масалаларни ечишга, уларни турли соҳаларга татбиқ қилишга ўргатади, ҳамда, уларнинг ақлий касбий компетентлигини ривожлантиради.

5. Дифференциал тенгламалар модули бўйича машғулотларда ахборот технологияларидан 10-20 дақиқа фойдаланиш, ушбу фанинг ўқитиш самарадорлигини ошишига тажриба-синов вақтида амин бўлдик.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХОЛИКОВ СУЮНЖОН ХАМРОКУЛ УГЛИ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ МОДУЛЯ
ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ В ПРОЦЕССЕ
ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ МАТЕМАТИКИ**

13.00.02 - Теория и методика обучения (математика)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2022.1.PhD/Ped2126.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу <http://kengash.mathins.uz> и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу <http://www.ziyoonet.uz>.

Научный руководитель: **Дурдиев Дурдимурод Каландарович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эркинжон Каримов Тулкинович**
доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

Баракаев Мурод
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится « 22 » ноября 2022 года в 16:00 на заседании разового Научного совета при научном совете DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте Математики имени В.И. Романовского. (Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, ул Университетская, 9. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathins.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № 147). (Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9. Тел. (+99871) 207-91-40.

Автореферат диссертации разослан « 9 » ноября 2022 года (протокол рассылки № 2 от « 9 » ноября 2022 года).

У.А. Розиков
Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.К. Адашев
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

Г.И. Ботиров
Председатель Научного семинара при разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Особое внимание уделяется внедрению современных образовательных технологий и новых подходов к использованию компьютерных математических приложений в совершенствовании теоретико-методических, методических основ преподавания различных дисциплин, особенно при подготовке будущих учителей математики в мире. Одной из важных задач будущих учителей математики является закрепление теоретических знаний по обучению дифференциальным уравнениям на основе современных принципов, повышение эффективности научно-теоретических разработок при организации занятий на основе проектирования проблемных технологий обучения.

Во всем мире проводятся исследования по развитию компетенции решать задачи путем самостоятельного исследования, основанного на широком использовании современных образовательных технологий и информационных технологий для повышения эффективности преподавания профессиональных предметов, особенно дифференциальных уравнений, в подготовке будущих учителей математики. Одним из важных научных исследований в развитии профессиональных компетенций студентов является организация занятий на основе разработки проблемно-ориентированных технологий обучения дифференциальным уравнениям.

В нашей стране проводятся комплексные реформы по совершенствованию организации обучения студентов за счет модернизации высшей школы, подготовки кадров, укрепления материально-технической базы. В концепции развития системы высшего образования до 2030 года определены приоритеты повышения уровня охвата высшим образованием, подготовки высококвалифицированных, творчески мыслящих и системно мыслящих, самостоятельных лиц, принимающих решения на основе международных стандартов, демонстрации их интеллектуальных способностей и создания необходимых условий для духовного развития¹. В связи с этим важную роль в реализации приоритетов играет развитие профессиональных компетенций обучающихся за счет использования средств информационных технологий и технологий обучения. Совершенствование умения использовать интерактивные методы и информационные технологии при комплексном подходе в организации учебной деятельности, направленной на развитие интеллектуальных способностей обучающихся, определяет актуальность темы исследования.

Настоящая диссертация основана на Указах Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» и ПФ-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции народного образования Республики Узбекистан до

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года № ПФ-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года». - Национальная база данных законодательства, № 06/19/5847/3887, 9 октября 2019 г.

